

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВА ОЗУҚАСИ  
ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ОЗУҚА  
ЕТИШТИРИШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Республика илмий-амалий анжумани**

**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**

**Бухоро  
«Дурдана» нашриёти  
2019**

иқтисодий рағбатлантириш талаб қилинади (3-5 йилни ўз ичига олиши башорат қилинди).

## **МИКРОСКОПИК СУВЎТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УЛАРНИ ЧОРВАЧИЛИКДА ҚЎЛЛАШ.**

**6.ф.д. профессор Бўриев С.Б.,  
Жалолов Э.Б., Қобилов А.М., Юлдошов Л.Т.  
Бухоро давлат университети**

Микроскопик сувўтлари сув ҳавзаларида ва намланган тупроқларда кўп микдорда учрайди. Уларнинг турлари кўк – яшиллар, яшиллар, диотомлар, эвгленалар ва бошқалар бўлиб, улар фотоавтотроф организмлар бўлганлиги сабабли, қуёш ёруғлигига ва ҳароратида фаоллик билан ривожланади ва катта микдорда биомасса ҳосил қиласди.

Микроскопик сувўтларида физиологик фаол моддаларга бой бўлган – оқсиллар, углеводлар, витаминлар, ёғлар, ферментлар, гормонлар, антибиотикларга бой бўлган турлари табиатдан ажратиб олинади ва улар маҳсус озуқавий муҳитда кўпайтирилади. Яшил сувўтлари турларидан озуқавий муҳитга бой бўлганларидан хлорелла ва сценедесмусларнинг альгологик тоза ҳужайралари ажратиб, кўпайтирилиб, биокимёвий таркиби ўрганилади. Хлорелла ва сценедесмуслар таркибида 50-55% гача оқсиллар, 25-30% гача углеводлар, 7-15% гача ёғлар, витаминлардан – А, В, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub>, С, D ва бошқа физиологик фаол моддаларнинг борлиги аниқланди.

Яшил сувўтларнинг ҳужайралари оқсилларга, витаминларга ва бошқа физиологик фаол моддаларга бой бўлганлиги сабабли улардан чорвачиликда, ўсимликшуносликда, балиқчиликда, пиллачиликда, паррандачиликда ва бошқа соҳаларда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун озуқа сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

Яшил сувўтларнинг фаол ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши учун сувнинг ҳарорати 25 – 35<sup>0</sup> С ва 20 -70 минг люкс ёруғлик ҳамда азотли фосфорли, калийли, магнийли, темирли тузлар бўлиши зарурдир.

Хлорелла сценедесмуснинг ҳужайралари озуқавий муҳит 04 да кўпайтирилганда, ҳужайралар сони 1мл да 35-40 млн дона бўлганда, қорамолларга сув ўрнига сувўтлар суспензия сифатида берилса уларнинг маҳсулдорлиги 25 – 30 % га ошиши аниқланди. Шелуха билан озуқланувчи қорамоллар госипол моддалари таъсирида захарланиши мумкин. Бундай ҳолларда яшил сувўтлари организмдаги госипол моддаларини парчалаб, уларнинг соғлиғига яхши таъсир қиласди.

Яшил сувўтлари балиқчилик маҳсулдорлигини оширишда кенг мақсадлар учун қўлланилмоқда. Балиқчилик хўжаликларида боқиладиган оқ амур ва оқ дўнгпешоналар ўтхўр балиқлардир. Оқ амур балиғи юксак сув ўсимликлари билан оқ дўнгпешона микроскопик сувўтлари билан озиқланади. Республика миқёсида кўп балиқчилик хўжаликларида оқ дўнгпешона балиқларига яшил сувўтларини озуқа сифатида қўллаш натижасида, уларнинг маҳсулдорлигини 50 % гача оширишга эришилмоқда.

Ушбу соҳа бўйича Бухоро давлат университети ходимлари томонидан хўжалик шартномалар асосида инновацион технологик амалий ишлар бажарилмоқда.

Яшил сувўтларини пиллачиликда қўллаш юқори самара бериши аниқланди. Хлорелла ва сценедусмуснинг 1мл да 60 – 80 млн дона ҳужайраси бўлган суспензия билан тут барглари намланиб ипак куртига берилганда, уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиб, боқиш муддати 2-3 кунга қисқарши, ҳаётчанлиги ошганлиги, барглар тўлиқ ейилиши натижасида 15-20 % барглар тежалиши, пилланинг оғирлиги 15 – 20%, ипак бериш қобиляти эса 20-41 % ошиши аниқланган.

Хлорелла ва сценедусмуснинг ҳужайралари кўпайтирилиб, паррандачиликда қўлланилмоқда. Паррандаларга бериладиган озуқаларга сувўтларини аралаштириб берилганда, уларнинг маҳсулдорлиги 25-30 % га ошиши ҳамда соғлом бўлиши назарий ва амалий жиҳатдан аниқланди.

Яшил сувўтларини ўсимликшуносликда, полизчилик ва мева – сабзаводчиликда қўллаш ҳакида илмий ишлар олиб борилмоқда. Ўисмиларнинг уруғлари хлорелла ва сценедусмус суспензиялари билан ивитиб экилганда, илдиз тараққиётининг кучли ва бақувват бўлиши ҳосилга тез кириши, унинг сифатли бўлишига олиб келади, айниқса илдиз чириши касалликлари деярли кузатилмайди.

Таркибидаги биологик фаол моддаларга бой бўлган яшил сувўтлари чорвачиликда етиштирилаётган чорва молларининг озуқасига қўшиб берилганда уларнинг сут ва гўшт маҳсулотлари 25-30 % га ошганлиги аниқланди.